SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 12-aprel • Payshanba • 45 (27.690) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Ислом КАРИМОВ:

Эл-юрт манфаати йўлида қилинган савобли ишлар ҳеч қачон бежиз кетмайди.



❖ **Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!**

«АРЖЕ ФЕЙШН»ДА 800 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ

Пойтахт вилоятининг Қибрай туманидаги Солар шаҳарчаси ҳудудида хорижий инвестициялар иштирокида барпо қилинган бу корхона маҳсулотлари бугун Европанинг қатор давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда

Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва улар асосида юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги корхоналар ташкил этишни бугун даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Қибрай туманида фаолият кўрсатаётган «Арже Фейшн» корхонаси ҳам ана шундай чет эл инвестициялари иштирокида барпо қилинганди. Умумий лойиҳа қиймати 7 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган мазкур корхонада 2 миллион 400 минг дона турли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш мўлжалланган. Булар — эркаклар, аёллар ва болажонларнинг турли хил кўйлаклари, футболка ва бошқа кийим-кечаклардир. Мазкур корхона Туркиянинг «Гузелсой текстиль» ҳамда «Асай Нақш» компанияларининг сармоялари ҳисобига барпо қилинди.

2-бет

ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ БУГУНГИ АЛОҚАЛАРИ

Дунёда мўъжиза кўп. Айни пайтда инсон тафаккури билан яратилган мўъжизалар саноқлидир. Миср эҳромлари ана шундай етти мўъжизанинг бири ҳисобланади.

Сўзни етти мўъжизадан бошлашдан мурод шуки, аждодлар меросининг бойлиги бобида Ўзбекистон ҳам, Миср ҳам дунёга кўз-кўз қилгулик обидаларга эга мамлакатлардир. Бир неча аср бурун Самарқанд шаҳрига берилган таъриф ҳар қандай изоҳдан устун: «Самарқанд сайқали рўйи замин аст» («Самарқанд рўйи замин сайқалидир»)!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини араб мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Миср Араб Республикаси тан олган (1991 йил 26 декабрь).

1992 йилнинг декабрида Президент Ислом Каримов расмий ташриф билан Мисрга борди. Мустақил Ўзбекистон раҳбарининг илк хорижий сафари уюштирилган мамлакатлар қаторида Миср ҳам бор. Ушбу ташриф чоғида Президентлар — Ислом Каримов ва Ҳусний Муборак музокара ўтказиб, икки томонлама алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Миср ўртасидаги муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги битим, шунингдек, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик, сармояларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Кейинчалик турли мақомдаги делегацияларнинг ташрифлари билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори такомиллашиб, мустаҳкамланиб борди.

Мисрнинг 1993 йилдан пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган элчихонаси ҳам Ўзбекистонда очилган биринчи араб дипломатик ваколатхонаси ҳисобланади.

Ўзбекистон билан Миср ўртасида яқинлик кўп жабҳаларда яққол кўзга ташланади. Аввало, буюк аждодларимизнинг ақли ва меҳнати туфайли ўзбек ва араб халқлари маданияти бир-бирига уйғунлашиб кетганини таъкидламоқ жоиз. Боболаримизнинг ўлмас даҳоси, бизга қолдирган улкан илмий, маданий ва маънавий мероси халқларимизни бир-бирига боғловчи ришта бўлиб хизмат қилмоқда. Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотуридий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳонуддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий каби алломалар дунё мамлакатларида, жумладан, Мисрда ҳам жуда машҳур.

Ўзбек заминида етишиб чиққан кўплаб буюк алломалар Мисрда ўчмас из қолдирганлар. Дунёдаги энг узун дарё бўлмиш Нил ўтмишда ҳар йили ўзанидан тошиб, соҳилига оби ҳаёт улашган. Лекин айрим тошқинлар экин-тикинни, баъзида ҳатто кўй-қасабаларни ювиб кетган. Дарёнинг сувидан баҳраманд бўлиш ва кулфатини қочириш мақсадида буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний бир неча аср муқаддам Нил дарёси сувининг миқёсини ўлчайдиган жиҳоз — устурлоб яратган. У Мисрда сув захираларидан унумли фойдаланишда муҳим ўрин тутиб келган ва ҳозир ҳам ишлатилади.

Ўзбекистон ва Мисрнинг сиёсатида ҳам кўплаб ўхшашликлар кўзга ташланади. Икки мамлакат президентларининг тинчликпарварлик сиёсати боис мамлакатларимизда кўплаб нуфузли халқаро анжуманлар ўтади. Ўзбекистон ва Миср ўз минтақасида етакчи давлатлардан саналади.

Ўзбекистон ва Мисрнинг кўплаб халқаро ҳамда минтақавий муаммоларга қарашлари ҳам ўхшаш. Хусусан, террорчиликка қарши курашда ҳамжиҳатлик билан иш тутиш, унинг нафақат ижрочилари, балки раҳнамолари, молиявий манбаларига барҳам бериш борасида Ўзбекистон ва Миср раҳбарлари ҳамфикр.

Иқтисодий соҳада Ўзбекистон билан Миср анъанавий шериклар ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасидаги имкониятлари катта.

3-бет

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди

Унда **«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Ушбу масала бўйича Давлат мулки қўмитаси раиси ўринбосари, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директори Камолиддин Толиповнинг ахбороти тингланди.

Маълумки, мамлакатимизда барқарор бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим иқтисодий йўналишларидан бири — бу қимматли қоғозлар бозорини тўлиқ шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштиришдир. Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш эса унинг барча иштирокчиларига битимларни тузиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, инвесторларга малакали сервис хизмати кўрсатиш уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг талаб даражасида ишлашини тақозо қилади.

Республикамизда қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчилик бозор ислоҳотларининг чуқурлашиши ҳамда фонд бозорининг ривожланиши талабларидан келиб чиқиб, барқарор амалга оширилган.

Жумладан, 1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, унда қимматли қоғозлар билан ишлаш қоидаларига аниқлик киритилган ҳамда фонд биржаси қимматли қоғозлар билан савдоларнинг ташкилотчиси сифатида белгиланган. Шунингдек, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида»ги (1996 йил), «Қимматли қоғозлар бозорида депозитарийлар фаолияти тўғрисида»ги (1998 йил) ҳамда «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2001 йил) Ўзбекистон Республикаси Қонунлари қабул қилинди.

Аммо ривожланишнинг жадал суръатлар билан кечиши қимматли қоғозлар бозори тўғрисида қабул қилинган амалдаги қонунчиликни ўзгартиришнинг объектив зарурати пайдо бўлишига, қимматли қоғозлар бозорининг тезкор ва динамик ривожланишини таъминловчи ҳужжат яратилишига олиб келди.

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 27 сентябрдаги Қарори ҳамда мазкур Қарор билан тасдиқланган 2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Дастурига мувофиқ, амалдаги қонунлар меъёрларини бирхиллаштириш, уларни халқаро андазаларга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилиши мўлжалланаётган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур масала бўйича эса Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бошқарма бошлиғи Нигора Ёқубова тушунтириш берди.

Ушбу қонун лойиҳасида «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши муносабати билан «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинмоқда.

Республикада қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, фонд бозори фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, акциядорларнинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсади ҳисобланади.

Ҳар иккала қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан қизғин муҳокама этилиб, зарур фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Самарқанд вилоят кенгаши Ўзбекистон Республикаси «Халқаро Амир Темур жамғармаси» вилоят бўлими билан ҳамкорликда буюк саркарда ва давлат арбоби таваллудининг 671 йиллиги ҳамда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги муносабати билан «Соҳибқирон Амир Темур даврида Мовароуннаҳр пойтахти Самарқанднинг сиёсий ва иқтисодий тараққиёти» мавзуида илмий-назарий конференция ўтказди.

Каттақўрғон туман партия кенгаши томонидан «Сиз Халқ демократик партиясини биласизми?» мавзуида кўриктанлов ўтказилди. Каттақўрғон шаҳрининг 4 та маҳалласида бўлиб ўтган ушбу тадбирда ЎзХДП Дастури, Устави ва фаолиятига оид қатор саволларга аниқ, тўғри жавоб берган иштирокчилар партия ташкилотининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Янгиариқ туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида Амир Темур таваллудининг 671 йиллигига бағишланган «Азалий буюк тимсол» мавзуида тадбир ташкил этилди. Туман партия кенгаши раиси Р.Машарипов «Соҳибқирон Амир Темур ўгитлари» мавзуида маруза қилди. Коллеж талабалари томонидан тайёрланган саҳна кўринишлари тадбирга ўзгача бир файз бағишлади.

Янгибозор туман партия кенгашида ўтказилган давра суҳбатида «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ва ЎзХДП Дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг партия ташкилоти томонидан бажарилиши борасида қилинаётган ишлар самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Бухоро вилояти, Олот туманидаги Жумабозор қишлоғида иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи барпо этилмоқда. Уч қаватли, ўзига хос меъморий ечимга эга бўлган мазкур иншоотнинг умумий лойиҳа қиймати 1 миллиард 600 миллион сўмни ташкил этади.

— Ҳозир бу ерда ўн иккита қурилиш ташкилоти бунёдкорлари тиним билмай меҳнат қилишмоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Шавкат Сайлиев. — Хусусан, 1-қурилиш бошқармаси, «Олотбунёдкор», «Когонбунёдкор», Ромитан туманидаги кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари саъй-ҳаракатлари эътирофга лойиқ.

— 540 ўринли мазкур коллеж биноси янги ўқув йилида ишга туширилади, — дейди Жумабозор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Норсаид Тошев. — Энди қишлоқ ёшлари шу ернинг ўзида орзу қилган мутахассисликлари бўйича таълим олиш имкониятига эга бўладилар.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

14 АПРЕЛЬ КУНИ ГЕРМАНИЯНИНГ ШТУТГАРТ ШАҲРИДА СОАТ 23.20 ДА ПРОФЕССИОНАЛ БОКС БЎЙИЧА ЎТА ОҒИР ВАЗН ТОИФАСИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИ УЧУН ҲАМЮРТИМИЗ РУСЛАН ЧАГАЕВ ВА РОССИЯЛИК НИКОЛАЙ ВАЛУЕВЛАР ЎРТАСИДА ЖАНГ ЎТКАЗИЛАДИ

Руслан ЧАГАЕВ. 1978 йил 19 октябрда Андижон шаҳрида туғилган. 1997 йилдан бошлаб профессионал бокс билан шуғулланади. Ҳозиргача 23 маротаба профессионал рингга кўтарилиб, йигирма иккитаси(17 тасида нокаут билан)да зафар қучган, бир учрашувда дуранг қайд этилган.

Бўйи — 185 сантиметр, вазни 111,5 килограмм.

Мураббийи — Михаэл Тимм.

Менежери — Таймас Ниёзов.



Николай ВАЛУЕВ. 1971 йил 21 августда Санкт-Петербург (Россия)да таваллуд топган. 1993 йилдан бери профессионал бокс билан шуғулланади. Бугунгача 46 та жанг ўтказган. Барча учрашув (34 тасида нокаут билан)да ғалаба қозонган.

Бўйи — 213 сантиметр, вазни — 145 килограмм.

Мураббийи — Мануэл Габриэлиан.

Менежери — Вильдфред Сауэрланд.

Бўлажак жангда ҳамюртимиз Руслан ЧАГАЕВга омад тилаймиз!

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензиялангган

❖ Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ҲУҚУҚИЙ АСОС МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Президенти томонидан мустақилликнинг илк йилларидаёқ халқаро муносабатлар, ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқалар масалаларига катта аҳамият қаратилиб, давлатимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мафкуравий қарашлардан қатъи назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги ҳамда ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш устувор вазифа қилиб қўйилган эди.

Бугунги кунга келиб бу тамойиллар асосида олиб борилаётган кенг кўламли ташқи сиёсатимиз ўз натижасини бермоқда. Айниқса, икки палатали парламентнинг фаолият кўрсата бошлагани жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишга қаратилган устувор йўналишларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, парламент давлатимизни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида белгилайдиган, республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган, фаол ва кенг кўламли халқаро ҳамкорлик учун мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратиб берадиган қонунчилик тизимини ҳам янада кенгайтирмоқда.

2006 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида жами 18 та кўп томонлама ва икки томонлама Битим ҳамда Шартномаларни ратификация қилиш, уларга қўшилиш ва денонсация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди. Жумладан, Россия Федерацияси ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари, Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига оид, халқаро электр алоқаси ва почта иттифоқига тааллуқли, экологик масалалар ҳамда Коллектив хавфсизлик ташкилотига оид қатор Шартнома ва Битимлар бунга мисол бўла олади. Бу ҳужжатлар республика ташқи сиёсати ва халқаро муносабатларни ҳуқуқий таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлаётир.

Шу ўринда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида халқаро делегациялар, турли давлатлар парламентлари вакилларининг қабул қилиниши ва ўз навбатида депутатларимизнинг чет давлатлар парламентларига ташрифи, ўзаро тажриба алмашишлар олдинги йилларга нисбатан икки баравар кўпайганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш асосий вазифамиз эканлигини таъкидлаш билан бирга амалга ошираётган ишларимизнинг самараси, натижаларига эътибор бериш, назорат ишларини такомиллаштириш зарурлигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтди.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарининг назорат-таҳлил фаолияти самарадорлигини янада оширишни давр тақозо қилмоқда. Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан олиб борилаётган назорат таҳлил ишлари Ўзбекистон Республикасида кучга кирган халқаро ҳуқуқий қонун ҳужжатларининг ижроси, уларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши баробарида миллий қонунчилигимизнинг такомиллашиши, миллий қонунларимизни халқаро қонунлар асосида имплементация қилишда, қонун ижодкорлиги самарадорлигини оширишда ёрдам бермоқда.

Мисол учун ўтган 2006 йил давомида қўмита томонидан 3 та Халқаро Конвенция ва Битимнинг ижроси масаласи кўриб чиқилди. Масалан, «Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги БМТ Конвенциясининг Қорақалпоғистон Республикасида ижро этилиши масаласи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, ташкилотлари билан ҳамкорликда ўрганилиб, унинг якунлари Нукусда қўмитанинг сайёр йиғилишида кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилинди.

Бугунги кунда жамиятимиздаги барча янгиликлар, интилишлар, сайловчиларнинг фикр, талаб ва таклифлари парламентдаги қонун лойиҳалари муҳокамаси жараёнларида ўз ифодасини топмоқда. Шунинг баробарида ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ҳам парламент томонидан изчил давом эттирилмоқда. Бугун парламент тўла маънода халқнинг хоҳиш-иродаси, энг эзгу мақсадларини мужассам этаяпти, деб ишонч билан айта оламиз.

Гулистон АННАҚЛИЧЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси

❖ 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»

ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ

ЯХШИЛАНСА ЭКОЛОГИК МУҲИТ ҲАМ ШУНГА ЯРАША БЎЛАДИ

Экологик жиҳатдан бирмунча мураккаб шароитда яшаётган Қорақалпоғистон Республикаси аҳли ичимлик сув таъминоти бўйича ҳукуматимиз томонидан қилинаётган ишлар учун ўз миннатдорчиликларини билдирмоқдалар.

Ҳудуддаги 1194 та овул ва элатда 793 минг 354 нафар фуқаро истиқомат қилади. 417 та аҳоли манзилгоҳида 380 минг 552 фуқаро марказлашган ичимлик сув тармоқлари хизматидан фойдаланади. Уларга ҳозир бир кунда етказиб берилаётган сув миқдори 14 минг куб метрни ташкил этмоқда. Бунинг 2500 куб метри Туямўйин сув тармоқларидан узатилаяпти. Умумий узунлиги 2810 километр бўлиб, 733 километри магистрал, 2077 километри ички сув тармоқларидан иборат. Ўтган йили 29,49 километр масофада турли ҳажмдаги шохобчалар фойдаланишга топширилди. Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан Қораўзак туманидаги «Кийикбой» овулида узунлиги 2,79 километр, Нукус туманидаги «Шағалкўпир», «Тўктоу» овулларида 2-4,02, Хўжайли туманидаги «Деҳқоновул» овулида 2, Элликқалъа туманидаги «Ваисхўжа» овулида 1,7, Тўрткўл туманидаги «Тошқалъа» овулида 1,6 километр узунликда ичимлик сув тармоқлари ишга туширилди.



Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дастурига кўра, «Қорақалпоқовул хўжалик сув тармоқлари» трести томонидан Қораўзак туманидаги «Қоракўл» овулида узунлиги 5 километр, шу тумандаги «Қириқ» овулида 2,5, Кегайли туманидаги «Корашоки», «Кўсқалъа», «Еркиндарё», «Ерикбоғи» овулларининг ҳар бирида узунлиги 1,7-2,3 километрлик оби-ҳаёт шохобчалари қурилди. Натижада қўшимча 5052 нафар аҳоли яшаётган манзилгоҳларда ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

Тармоқда хизмат муддатини ўтаган қувурларни таъмирлаш, реконструкция қилиш, эскиларини янгилари билан алмаштириш бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Беруний, Чимбой, Қўнғирот, Кегайли, Элликқалъа туманларида бу борада бажарилган юмушлар диққатга сазовор.

— 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг биринчи чорагига белгиланган ишларимиз ижроси тўла рўёбга чиқди, — дейди **«Қорақалпоқовул хўжалик сув тармоқлари» трести бошқарувчиси Сарсенбой Палвашев.** — Тренстимиз томонидан ўтган уч ойда 6 та аҳоли манзилгоҳининг сув тармоқлари қайта тикланди. «Ишонқалъа», «Шега», «Пўрлитоу», «Қорауй», «Хатеп», «Абодон» каби овул ҳамда элатларнинг ҳар бирида узунлиги 1,2-2,2 километр узунликда сув тармоқлари қайта тикланди. Жаҳон банки томонидан ажратилган кредит эвазига янги қудуқлар қазиш, сув тозалаш станциялари қуриш ишлари Жанубий Кореянинг EFMC компанияси томонидан олиб борилмоқда. Шу кеча-кундузда уларда барча қурилиш ишлари якунланиб, мавжуд ускуналарни монтаж қилиш ишлари ниҳоялаб қолди. «Агаден», «Шуит», «Салтир-қипшақ», «Кўпаккўл», «Қошқаржиққан», «Бўзатов», «Сейтекжап», «Қириқ», «Тозаташляб» каби аҳоли пунктлари аҳли ҳадемай тоза ичимлик сув оқимидан баҳраманд бўладилар.

Шунингдек, айни кунларда DWDU-G шартномаси асосида «Ronberg Gruppe LLC.AG» компанияси томонидан Кегайли, Чимбой, Қораўзак, Тахтакўпир, Мўйноқ туманларида 8 та боғлама ҳамда локал хлорат иншоотлари монтаж қилинмоқда. Уларда ичимлик сувни тозалаш учун хлор-натрий бирикмалари тайёрланиб, 57 та насос-дозатор орқали тармоқларга узатилади.

Хитой Халқ Республикаси томонидан ажратилган кредит ҳисобидан қишлоқ ва овуллардаги 9607 та хонадон сув ўлчагич мосламалари билан таъминланаяпти. «Осиё Тараққиёт банки» кредити эвазига 98 та манзилгоҳда 30 та сув тақсимлаш насос станциялари қуриш режалаштирилган. Ҳозир «Е-21» шартномаларига кўра ва «Е-25» янги техника сотиб олинди. Яқинда Шуманай туманида амалга оширилиши мўлжалланган ана шундай ишлар учун «Д-21» шартномасига ҳам имзо чекилди.

Буларнинг ҳаммаси Қорақалпоғистонда аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлаш ишлари жадал ва изчил кетаётганидан далолатдир. Зеро, ҳудудда ичимлик сув таъминоти нечоғли яхши бўлса, экологик муҳит ҳам шу қадар яхши бўлиши турган гап.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖ ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

БУГУННИНГ ДОЛЗАБ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистон тарихи давлат музейининг анжуманлар залида ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан «Ўзбекистон ХДП электорати, ижтимоий таркиби, манфаатлари ва эҳтиёжлари, электорат ижтимоий муаммолари мониторингини амалга ошириш шакллари, партия кенгашлари ва депутатлар тузилмалари фаолиятида уларни ҳисобга олиш» мавзуида ўқув-семинар ўтказилди. Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, туман кенгашлари раислари, «Фаол аёллар» ҳамда «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаоллари иштирок этишди.

Семинарни ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Учқун Шойимқулов очди. Семинар кун тартибидаги масала юзасидан тарих фанлари доктори, партия фаоли Абдуғаффор Қирғизбоев маъруза қилди.

— ЎзХДП янги Дастурда партиянинг асосий мақсад-вазифаси аҳолининг мададталаб қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш эканлиги белгиланган, — деди маърузачи ўз чиқишида. — Зиммадаги вазифаларни адо этишда ХДП кенгашлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз, партия фаоллари, самарали фаолият кўрсатишмоқда. Аммо, бу ҳамма жойда ҳамма ишлар яхши, дегани эмас. Муаммолар ва камчиликларимиз ҳам оз эмас. Янгича ташаббуслар билан ишлаш, одамларнинг ишончини қозониш, барча қуч ва имкониятларни электорат билан ишлашга қаратиш фаолиятимизнинг муҳим қисмига айланиши керак.

Маъруза юзасидан музокарада сўзга чиққанлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Боймурод Юсупов, фалсафа фанлари номзоди Маргарита Аҳметбекова ва бошқалар ҳозирги кунда ЎзХДП олдида турган долзарб масалалар, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ва жойлардаги ижтимоий муаммоларни тезда ва жойида ҳал этишда депутатлар, партия фаоллари, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини янада кучайтириш тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга ҳам жавоб олдилар.

Алимурод ТОЖИЕВ

«АРЖЕ ФЕЙШН»ДА 800 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛАДИ



Козии ЎЛМАСОВ олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларининг 80 фоиздан зиёди Европа ҳамда қатор хорижий давлатларга экспорт қилинади, — дейди **«Асай Нақш» компанияси раҳбари Айдин Арслан.** — Ҳозиргача 495 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот Германия, Россия, Италия, Туркия каби давлатларга экспорт қилинди.

Айни дамларда бу ерда 400 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар иш билан таъминланди. Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач эса иш 2-3 сменада ташкил этилиб, 800 та янги иш ўринлари яратилади.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: *корхона фаолиятидан лавҳалар.*

❖ Бошланғич партия ташкилотларида

МЕҲР-ОҚИБАТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Бошланғич ташкилотлар партиянинг кучи, асосий таянчи. Бугунги кунда ҲДПнинг 11 мингдан зиёд ана шундай бўғини мавжуд ва уларнинг кўпчилигига фаол, ташаббускор, жонкуяр аёллар етакчилик қилмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Хиёбонтепа маҳалласида уч мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада Ўзбекистон ХДПни яхши билишади. Чунки, бу ердаги бошланғич ташкилотга катта ҳаётий тажрибага эга, жонкуяр Муфлика Отабекова етакчилик қилади. Айни пайтда опа маҳалла хотин-қизлар кенгашининг ҳам раисидир. Қилаётган ишларини кўриб, уни меҳр-оқибат тарғиботчиси, дея таърифлагингиз келади.

— Ҳудудимизда ўттиздан ортиқроқ кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оила, бир нафар ёлғиз кекса истиқомат қилади, — дейди опа. — Улар ҳар доим диққат марказимизда. Партиямизнинг Дастурида ҳам ижтимоий масалаларга катта эътибор берилган. Биз буни одамларга чуқурроқ тушунтиришга ҳаракат қиляпмиз. Натижада партиямиз фаолиятига қизиқувчи йигит-қизлар кўпайиб бормоқда. Халқаро хотин-қизлар куни, Наврўз умумхалқ байрами арафасида ҳам кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, бемор аёллар хонадонларига ташриф буюриб, ҳолидан хабар олдик, совға-саломлар улашдик. Аслида гап совғада эмас, меҳр-оқибатда. Маҳаллада ҳеч ким ўзини ёлғиз, жамиятдан узилиб қолгандек ҳис этмаслиги керак... Бу йилни мамлакатимиз раҳбари томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши замирида ҳам ана шундай олижаноб мақсадлар ётибди, деб ўйлайман. Биз ХДП туман кенгаши ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда бундан кейин ҳам ижтимоий ҳимоялаш, одамларга меҳр-оқибат кўрсатиш ишларига эътиборни кучайтираверамиз.

Беҳзод ШУКУРОВ

❖ Солиқ ва солиқ тўловчи

ИПНИНГ ИККИ УЧИ БОР...

ЁКИ НОҚОНУНИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИНИНГ УМРИ ҚИСҚАЛИГИ ХУСУСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида кўп ишлар қилинди. Хусусан, назорат ташкилотларининг бизнес фаолиятига ҳуда-беҳуда аралашувларига чек қўйилди, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларни рўйхатга олиш жараёнлари сезиларли даражада соддалаштирилди. Натижада, бугунги кунга келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминлайдиган ҳамда унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим иқтисодий бўғинга айланишга улгурди.

Буни бизнинг Сирдарё вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Айтайлик, иқтисодиётда кичик бизнес ҳамда тадбиркорликнинг ўрни ва роли ўсмоқда. Ўтган йилнинг ўзида мазкур йўналишда қўшимча 8,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, хусусий бизнес ва тадбиркорлик корхоналарининг сони 12 мингтага етди. Бугунги кунда ички бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38,9 фоизни ташкил этаяпти ва бу фоиз йил сайин кўпайиб бораётир.

Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматимизнинг тадбиркорлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги ғамхўрликлари, хусусан, «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор кичик бизнес вакиллари-ю тадбиркорлар манфаатларини ҳимоялашнинг ишончли кафолати бўлди. Турли назорат органлари томонидан улар фаолиятига аралашувлар, ҳар хил текширтекширлар кескин камайди, одамларда: «сармоямни, маблағимни бирон-бир ишга сарфласам, эртага ортимдан тушмасмикан, текширтекшир бошланмасмикан, пулимга қуйиб қолмайманми», — деган ҳадиклар, шубҳа-гумонлар йўқола бошлади. Ўз мулки ва бизнесига дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигига ишончи ортмоқда.

Вилоят солиқ тизимида юқоридаги қарорлар ва талаблар ижроси, тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектлари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш юзасидан муайян ишлар қилинаяпти. Масалан, ўтган йили солиқчилар томонидан 1064 та хўжалик юритувчи субъектда ҳужжатли текширишлар ўтказиш режалаштирилган бўлса, бу йил бундай текширишлар ўтказилиши мўлжалланган хўжалик субъектлари сони 804 тани ташкил қилаяпти ёки олдинги йилдагига нисбатан улар сони 260 тага, (ёхуд 25 фоизга) камаймоқда. Ўтган йили хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган текширишлар натижалари бўйича жами бюджетга 1110,6 минг сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланиб, шундан 490,4 минг сўми ҳисобот йилида бюджетга ундирилгани ҳам тадбиркорлар манфаатлари самарали ҳимояланаётганига яққол мисол.

Яна рақамларга эътибор беринг: якунланган йилда хўжалик юритувчи субъектларда ўтказилган ҳужжатли текширишлар натижалари бўйича 1009 нафар тадбиркорлик субъекти томонидан 178409,1 минг сўм қўшимча ҳисобланган солиқ (пенялари билан бирга бир ойлик муддатда) бюджетга тўлаб берилганлиги сабабли ушбу тадбиркорлик субъектлари белгиланган тартибда молиявий жарима қўлланишдан озод қилинди. Бу ҳам солиқлар аҳамиятини тадбиркорлик субъектларининг тўғри англаб етаётганликларидан ва бундай ҳуқуқий кафолатлардан улар ўринли фойдаланаётганликларидан далолат.

Афсуски, ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган кўпдан кўп имтиёз, қулайлик ва енгилликлар жойларда иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим омил бўлаётган бир пайтда айрим «тадбиркор» ниқоби остида фақат шахсий манфаатларини кўзлаётган фуқароларнинг учраб турганлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, ўтган йилнинг март ойида солиқчилар томонидан Гулистон шаҳридаги «Омад — Маркет — Сервис» хусусий фирмасида ўтказилган режали текшириш чоғида фирманинг мансабдор шахслари амалдаги тартиб-қоидаларга зид равишда савдо фаолиятини амалга ошириш учун ҳеч қандай рухсатномаси бўлмаган ҳолда 103637,3 минг сўмлик чакана ва 49871,8 минг сўмлик улгуржи савдо фаолияти билан шуғулланганликлари ва бунинг оқибатида ноқонуний даромад олганликлари аниқланди. Текшириш натижаси бўйича уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-модда, 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Ўтган йилнинг январь ойида ўтказилган текширишда эса Сирдарё туманида яшовчи фуқаро Бахром Эргашев ўз уйида қўлбола мойжувоз ўрнатиб, чигитдан ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келганлиги маълум бўлди. Текширишда 10 килограмм тозаланмаган пахта ёғи, 50 килограмм чигит, 310 килограмм кунжара ва бир дона мойжувоз ускунаси далилий ашё сифатида олиб қўйилди ва «тадбиркор» Баҳром Эргашев фаолиятига чек қўйилди.

Гулистон шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро Мухтор Соҳибов ҳам ўзича «ишбилармонликка» қўл уриб, бу иш билан шуғулланаётганлар учун ҳукуматимиз бераётган қулайлик ва имтиёзлардан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. Унинг ўз уйида Хитой ускунаси ёрдамида спиртдан 100 граммли пластмаса идишда ароқ ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келганлиги аён бўлди. Текширув натижалари бўйича унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 189-моддаси бўйича жиноят иш қўзғатилди.

«Ипнинг икки учи бор», — дейишади. Кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар, ёки шу ишга қўл урмоқчи бўлаётганлар бу оддий ҳақиқатни эсдан чиқармаганлари маъқул. Ёинки, ҳамма ишда бўлгани каби, бу ишда ҳам фақат ўз манфаатинигина ўйлаб, тадбиркорлар учун берилаётган имтиёз ва имкониятлардан кўр-кўрона, шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Шамсиддин ОҚЖИГИТОВ,
Сирдарё вилояти ДСБ мутахассиси

Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) касаллиги 1981 йилда аниқланган бўлиб, ҳозирги даврда Ер юзидаги глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Дунё аҳолисининг 80 миллиондан ортиғи касалланган ушбу хасталикнинг кўпгина давлатларда яшин тезлигида тарқалиб бориши, албатта, ачинарли ҳолат.

«ОИТС – XXI АСР ВАБОСИ»

Ўсмир-ёшларни ОИТС муаммоларидан хабардор қилиш, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишда кўмак бериш мақсадида яқинда республика Болалар кутубхонасида «ОИТС — XXI аср вабоси» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда республика ОИТС маркази бош шифокори Собир Умаров ушбу касаллик тарихи, асосий юқиш омиллари ва ундан сақланиш усуллари тўғрисида маъруза қилиб, ҳозиргача бу хасталикни даволовчи ҳеч қандай доридармон йўқлиги, ОИТСга қарши эмлаш учун вакциналар ишлаб чиқарилмаганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тадбирда, шунингдек, Санитария таълим тарғиботи врачи Салоҳиддин Абдуҳолиқов ҳамда 64-мактабнинг 10-синф ўқувчилари ва ўқитувчилари қатнашдилар. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар. Кутубхона маъмурияти томонидан шу каби тренинг-йиғилишлар, тадбирларнинг мунтазам равишда ўтказилиб келинишидан кўзланган асосий мақсад ҳам ўқувчи-ёшларда ОИТС ва гиёҳвандлик ҳақида тушунчаларни шакллантиришга қаратилган.

Дилдор ҒОЗИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ

ТИЗИМИ ЯХШИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАНЛИГИ ЧИРОҚЧИЛИК САНОАТЧИЛАРНИ ТАРАҚҚИЁТ САРИ ЕТАКЛАЯПТИ

Ўтган йили сув танқислиги туфайли пахта етиштириш мўлжалига етмаган ва пахта тозалаш заводидан бошқа йирик корхонаси ҳам бўлмаган Чироқчи туманида 2006 йил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичи бирданига 4 фоизга ошгани кутилмаган ҳол бўлди.

— Кенг истеъмол моллари тайёрлаш ҳажми ҳам 16 фоизга ўсди — дейди туман ҳокими Нурулла Қаюмов. Бу — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи самараси...

Қайта ишлаш саноати мутахассиси Сафар Эштўхтаров анча йиллар янги технологияларни жорий қилиш ва деҳқонлар билан ҳамкорликни кучайтириш орқали қўшма корхона тузишни ўйлаб юрарди. Қарангки, кўп ўтмай, мутахассис ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан Чироқчидаги 20-25 минг тонна маҳсулотни қайта ишлайдиган кичик корхона қисқа вақт ичида қаддини кўтариб олиб, ўтган йилиёқ 100 миллион сўм кредит эвазига янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширди.

— Бу йил корхонага 1 миллион 200 минг еврога тенг инвестиция киритиш ҳаракатидамиз, — давом этди ҳоким. — Бу унинг қуввати янада ошади, дегани. Илгари иши юришмаётган «Соҳибкор» ширкати агрофирмасини корхона билан бирлаштириб, деҳқонлар ва саноатчилар манфаатини уйғунлаштирдик. Кейин ишлар юришиб кетди. Шунингдек, тумандаги нотўқима материаллар корхонаси ҳам ўтган йили 1 миллион 135 минг сўмлик бўз тайёрлади. Ҳозир бу ерда — «Чироқчи текс» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасига асос солиш, тиббиёт бинти ва турли хил чорсилар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалари амалга ошмоқда...

Ҳоким сўзларини тинглаб туриб, Президентимизнинг шу йил Вазирлар Маҳкамасидаги 2006 йил якунлари ва 2007 йил вазифаларига бағишланган йиғилишдаги маърузасида айтилган қуйидаги сўзларни эсладик: **«Бугунги кунда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан мунтазам модернизация қилиб бориш учун самарали рағбатлантириш тизимини яратишимиз зарур».**

Чироқчи саноат корхоналарида бугун модернизация қилиш ва рағбатлантириш тизими яхши йўлга қўйилганлигини юқоридаги фикрлар яққол исботлаб турибди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ КОЛЛЕЖ ҚУРИЛАЯПТИ

Хонқа тумани марказида педагогика йўналишига ихтисослашган янги коллеж қурилиши бошланди. Ушбу илм маскани ишга тушгач, 720 нафар йигит-қиз касб-ҳунар ўрганиш имкониятига эга бўлади.

Янги ўқув йилига топширилиши режалаштирилаётган коллеж қурилишига 2 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Қурилиш-монтаж ишларини «Жанубгазқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти бунёдкорлари амалга оширишмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН

❖ **Қонун барчага баробар**

ҚИНҒИР ЙЎЛ ФОШ БЎЛДИ

Бугун қонуний йўл билан бойийман, тадбиркор бўламан, деганга имконият эшиклари ланг очиқ. Лекин Ургут туманида яшовчи фуқаро Улуғбек Фозилов яратилган имкониятлар қолиб, қинғир йўлни танлади.

У Ургут тумани Ғўс қишлоғида «Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш» мақсадида тадбиркорлик гувоҳномаси олган эди. Аммо, Ғўс қишлоғида ҳеч қанақа нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмади, янги иш ўринлари очилмади.

— Бизга келиб тушган маълумотлардан сўнг ушбу тадбиркор фаолияти ўрганилди, — дейди Ургут туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Асад Аҳмедов. — Ўтказилган рейд жараёнида фуқаро Т.Ражабовга тегишли бўлган ЗИЛ-138А русумли давлат рақами 14 К3119 бўлган автомашинада «Жомбойдон маҳсулотлари» АЖда ишлаб чиқарилган 45 килограммли 222 қоп ун маҳсулотлари «тадбиркор» томонидан 12000 сўмдан нақд пулга сотилаётгани аниқланди ва маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиниб, ҳужжатлаштирилди.

Маълум бўлишича, У.Фозилов «Жомбойдон маҳсулотлари» АЖдан жами 109535,0 минг сўмлик ун маҳсулотларини олиб, уни нақд пулга сотиш билан шуғулланиб келган... Банк муассасаларига эса бор-йўғи 16150,0 минг сўм нақд пул кирим қилинган, холос.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти Ургут туман бўлими томонидан тадбиркор У.Фозилов ва «Жомбойдон маҳсулотлари» АЖдаги мансабдор шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов-суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«ЮРАККА МАЛҲАМ»

Андижон шаҳридаги «Олтин водий» меҳмонхонаси биносида «Юракка малҳам» хусусий шифо маскани фаолият кўрсата бошлади. Тиббий хизмат кўрсатиш масканида беморларга барча қулайликлар яратилди. Касалликларни аниқлаш ва даволаш учун дунё андазаларидаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

— Хориждаги хусусий шифохоналарда сифатли тиббий хизмат кўрсатилишига ҳавас қилгандик, — дейди хусусий шифохона бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Сайфиддин ТУРСУНОВ. — Мақсадимиз халқимиз саломатлигини сақлашга ҳисса қўшиш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишдир.

Диагностика бўлимига эга, 20 ўринли шифо масканига беморлар қўшни вилоятлардан ҳам дардига дармон истаб келишаяпти.

Кўрсатилган сифатли тиббий муолажа, самарали тиббий даволаш усуллари туфайли беморлар «Юракка малҳам» тиббий масканидан дардларига дармон топиб қайтишяпти.

— Аҳволим анча оғир пайтда бу шифохонага келтиришди, — дейди асакалик Турдали Мамаризаев. — Шифокорларнинг тўғри ташхис қўйишлари ва даволашлари билан соғлигим тикланяпти. Бу ердаги шароит, нарх-навоси менга маъқул бўлди.

Мўъжаз шифохона жамоаси «Ижтимоий ҳимоя йили»да кам таъминланган оилаларга бепул тиббий кўмак кўрсатиш ҳаракатида. Бундай хайрли ишга ЎзХДП фаоли, профессор Сайфиддин Турсунов бош-қош бўлмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Суратда: кардиолог врач Зулфияхон Валиева беморнинг саломатлигини кўрикдан ўтказаяпти.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат

ҚАДИМГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАРНИНГ БУГУНГИ АЛОҚАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Масалан, сайёҳлик, тўқимачилик, фармацевтика, нефть кимёси, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда икки томон учун манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мумкин. Лекин ҳамкорликнинг ҳозирги кўрсаткичлари имкониятлар даражасидан анча паст. 2006 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3,6 миллион АҚШ долларини ташкил этгани бу фикрни тасдиқлайди.

Жорий йил март ойи бошида Миср халқаро ҳамкорлик вазири Фоиза Абуннажо хоним раҳбарлигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи доирасида бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон—Миср ҳукуматлараро комиссиясининг бешинчи мажлиси икки томонлама ҳамкорликнинг салоҳиятини ҳамда корхона ва компанияларимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилишларини яна бир карра намойиш этди. Мажлис якунида савдо алоқаларини ривожлантириш, хусусан, Мисрга кўплаб турдаги маҳсулотлар, шу жумладан, замонавийлаштирилган Ил-76 юк ташиш самолётлари ва Ил-114 йўловчи ташиш самолётлари, тракторлар ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси, кабель-ўтказгич маҳсулотлар, турли трансформаторлар, қуёш батареялари, мис, ипак етказиб бериш борасида кўплаб келишувларга эришилди. Ўзбекистонда Миср эҳромларига, Мисрда Ўзбекистоннинг қадимий обидалари ва муқаддас қадамжоларига қизиқиш катта. «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Миср Сайёҳлик вазирлиги ўртасида яқинда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат ана шу мақсадга хизмат қилади.

Қадим цивилизация бешиклари бўлган икки мамлакат – Ўзбекистон ва Миср узоқ тарихга бориб тақаладиган, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорликка асосланган анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини бугунги кунда ҳам изчил ривожлантириб бораверади. Бу замон тақозосидир. Унинг замирида анъанавий дўстлик алоқаларини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда манфаатлар муштараклиги мужассам.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

ЯНГИ ҚОН ГУРУҲИ ЯРАТИЛДИ

Копенгаген университети профессори Хенрик Клаусен бошчилигидаги олимлар қон гуруҳини ўзгартиришнинг оддий усулини ишлаб чиқдилар. 0 нейтрал гуруҳга кирувчи ушбу янги қонни кўпайтириш эса бугунги кунда тақчиллиги сезилаётган қон етишмаслиги муаммосини бартараф этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишига олимлар ишонмоқдалар. Негаки, уни қонга эҳтиёж сезган ҳар қандай беморга қуйиш мумкин. Шуни таъкидлаш лозимки, аслида беморга бошқа қон гуруҳини қуйиш унинг ўлимига олиб келиши тиббиётда аниқланган, лекин бу нейтрал гуруҳга кирувчи қон эса ундай эмас.

Олимлар «Nature Biotechnology» журналида тадқиқот натижаларини, яъни II(A), III(B) ҳамда IV(AB) қон гуруҳларини қандай қилиб 0 гуруҳга айлантириш усулларини эълон қилдилар. Бу жараёнда бактериал энзималар ёрдамида қизил қон таначалари юзасидаги шакар молекулалари йўқотилади, дейилади «Telegraph» газетаси хабарида.

II(A) ва III(B) қон гуруҳига мансуб одамлар қонида турли типдаги шакар молекулалари мавжуд бўлиб, у иммун тизимида реакция қўзғатувчи омилга эга. 0 гуруҳига мансуб қонда эса бундай «антиген»лар бўлмайди. IV(AB) гуруҳидаги қон икки хусусиятга эга.

Хенрик Клаусэн бошчилигидаги олимлар гуруҳи илмий тадқиқотларини фойдали протеинлар излаб 2500 турдаги замбуруғ ва бактерияларни ўрганишдан бошладилар. Ва шуни аниқладиларки, «Elizabethkingia meningosepticum» ва «Bacterioides fragilis» бактериялари қизил қон таначалари юзасидаги А ва В антигенларини йўқ қилувчи энзималарни ажратиб чиқарар экан.

Клиник синовлардан сўнг янги усулда тайёрланувчи ушбу 0 нейтрал қон гуруҳи кўплаб тайёрлашга киришилади ва шифохоналарга жўнатилади. Англия ва Шимолий Уэльсга хизмат кўрсатувчи Миллий донорлик хизмати («National Blood Service») да ҳозир тахминан 5,5 кунлик эҳтиёжни қоплайдиган янги турдаги қон сақланмоқда.

ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

XORIJDA

Сомали пойтахти Могадишода шу йил март ойи охиридан бери ўтиш даври ҳукумати қўшинлари билан «Ислом судлари уюшмаси» тарафдорлари ўртасида ҳарбий тўқнашувлар давом этмоқда. Дарвоқе, ўтиш даври ҳукумати илтимосига кўра, қўшни давлат – Эфиопия ўз ҳарбийлари ва ҳарбий техникаси билан уларга ёрдамга келган.

Ҳарбий тўқнашувлар бошлангандан бери мингдан зиёд киши қурбон бўлди, 4 мингдан ортиғи турли даражада жароҳат олди. 124 минг киши эса пойтахтдаги уйини ташлаб, хавфсиз жойларга кўчиб кетди.

Маълумотларга қараганда, бу уруш кейинги 15 йилда энг қонли тўқнашувга айланиб бормоқда. Қон тўкилишини тўхтатиш, муаммони музокара йўли билан ҳал этиш мақсадида Сомали ҳукумати раҳбари ўринбосари Ҳусайн Аидид Эфиопия ҳукуматига мурожаат этиб, ўз қўшинини Сомали ерларидан олиб чиқиб кетишини сўради. Бу ҳақда Эфиопия телевидениеси маълум қилди. «Сомали ўз тақдирини ўзи ҳал этиши лозим. Бунинг учун Эфиопия қўшинлари Сомали ҳудудини тарк этиши керак. Биз Сомали иккинчи Ироққа айланишини истамаймиз», – деди у қўшни давлат Эритреяга қилган сафари чоғида.

Эслатиб ўтамиз: 1991 йили Сомали директори Саид Барре ҳокимияти дала командирлари томонидан ағдарилгандан бери бу ерда кучли ҳукумат шакллангани йўқ. Ўшандан бери 8 миллион аҳолиси бор бу ҳудудда фуқаролар уруши тўхтамаяпти.

ШИФОКОРЛАР ИШ ТАШЛАДИЛАР

Испанияда участка шифокорлари 24 соатлик иш ташлаш эълон қилдилар. Улар туман поликлиникаларида иш шароитлари яхшиланишини, маошлар оширилишини талаб қилишмоқда, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида.

Намойиш қатнашчиларидан бири, Мадрид яқинидаги Посуэло-де-Аларкон шаҳарчасида участка шифокори бўлиб ишловчи М.Антонионинг журналистларга берган интервьюсида айтишича, поликлиникаларда узундан-узун навбатлар юзага келаётгани боис беморларни яхшилаб текширишга имкон бўлмаяпти, наридан-бери тез текширувдан ўтказилиб, дори-дармон ёки касаллик варақаси ёзиб берилмоқда. Бундай бўлмаслиги учун участка шифокорлари штатларини кўпайтириш, уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш лозим.

ИШ ЎРИНЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРМОҚЧИ

Дунёнинг энг йирик молиявий корпорацияларидан ҳисобланмиш Нью-Йорк шаҳридаги «Citigroup» корпорацияси ўз харажатларини 1 миллиард долларга камайтириш учун 17 мингта иш ўрнини қисқартиришни мўлжаллаб турибди. Бу корпорациянинг умумий штатлари сонининг (бу ерда 337 минг ходим ишлайди) 5 фоизига тенг.

Корпорация бош директори Чарльз Принцнинг айтишича, «Citigroup»нинг қимматбаҳо қоғозлари ўз қийматини йўқотмоқда, ўтган йили корпорациянинг харажатлари даромадларига қараганда икки бараварга ортиб кетган, – дейилади «Bloomberg» нашри ахборотида. – Шунинг учун ушбу банк акциядорлари бош директорни сиқувга олмоқдалар, харажатлар камайтирилишини талаб қилмоқдалар.

ИНСПЕКТОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁР

Корея Халқ Демократик Республикаси Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) инспекторларини қабул қилишга тайёр эканлигини билдирди. Улар Йонбендаги ядро комплексида текширув ўтказишлари мумкин. Фақат бунинг учун Макаодаги «Banca Delta Asia» банкида Америка томонидан «музлатиб» қўйилган 25 миллион доллар Шимолий Кореяга қайтарилиши ва халқаро ҳамжамият томонидан иқтисодий кўмак амалга оширилиши лозим.

Бироқ Япония КХДРнинг Йонбендаги ядро комплексида ишлар тўхтатилиб, комплекс ёпилишига ишонмаяпти. Шунинг учун ҳам у ўтган йил октябрда КХДРга нисбатан жорий этган савдо санкцияси муддатини яна ярим йилга узайтирди. Бу ҳақда «Associated Press» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Аммо, – дейилади «Ruters» ахборотида, – Шимолий Корея ташқи ишлар вазири ўринбосари Ким Ке Гваннинг айтишича, мутахассислар бош реакторни тўхтатишга киришдилар. Бироқ белгиланган муддат – 14 апрелгача улгуришолмаса керак.

Маълумки, шу йил февралда Пекинда бўлиб ўтган олти томонлама (Россия, Хитой, АҚШ, Япония, Шимолий Корея, ва Жанубий Корея иштирокида) музокаралар пайтида КХДРга 60 кунлик муҳлат берилган эди. Бу муддат 14 апрелда тугайди.

«POYTAXT AUKSION» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

2007 ЙИЛНИНГ 15,18,22,25,29 МАЙ ВА 1,5,8,12,15,19,22,26,29 ИЮНЬ КУНЛАРИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Танлов савдосига Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани халқ таълими бўлимига қарашли бўлган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Иззат даҳасида жойлашган, умумий майдони 1760 кв.м.га тенг бўлган 237-сонли болалар боғчаси **228 320 000 сўм бошланғич нарх** билан қўйилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

1. Фаолият турини сақлаб қолиш.
2. Энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.
3. Камида 100 000 000 сўм миқдорда қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш.
4. Сотиб олиш қийматини тўлаш ва қўшимча сармояни киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.
5. Сотиб олиш қиймати ва қўшимча сармоя киритиш мажбурияти бажарилишини ўз молиявий маблағлари ҳисобидан амалга оширилишини таъминлаш.

Танлов савдосида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Талабгорлар ариза ва тўлов қоғозига қўшимча тарзда конвертга муҳрланган танлов шартлари бўйича ўз таклифларини (бизнес-режани) тақдим қиладилар:

Ҳамда савдоларга Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган қуйидаги ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқи қўйилади:

Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув 6-мавзе, Семашко кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га. бўлган 2 та ер участкаси. **Ҳар бирининг бошланғич нархи — 1 928 000 сўм.**

Ер участкасининг бошланғич нархига ер участкаларини савдога тайёрлаш билан боғлиқ муҳандислик-геодезия ва лойиҳа ишларини бажаришга сарфланган харажатлар қўшилмаган ва харажатлар харидорлар томонидан қопланади.

Ер участкаларига аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Танлов ёки кимошди савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.
Телефон: 133-23-40.

«POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2007 йил 7 апрель, 43-сонида чоп этилган эълоннинг иккинчи қисмидаги Мирзо Улуғбек тумани, Ш.Бурхонов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,04 га., бошланғич нархи — 984 000 сўм бўлган ер участкаси бўйича аукцион савдолари бекор бўлганлигини маълум қилади.

ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер №6 на 2007 год на прибретение ниже перечисленных материалов и комплектующих согласно графика поставки (2-4 квартал 2007 года) по лотам:

1. Проволока из углеродистой стали для армирования предварительно напряженных ЖБК ГОСТ 7348-81 Вр-2, класс прочности 1500, диам. 3.0 мм в количестве 1500 тонн.
2. Шпала деревянная пропитанная тип 1, ГОСТ 78-2004 в количестве 50 000 штук.
3. Переводной брус деревянный пропитанный А3 тип 1, ГОСТ 8816-70 в количестве 100 комплектов.
4. Оконные блоки для пассажирских вагонов в количестве 100 комплектов.

За тендерной документацией обращаться по адресу: г.Ташкент, ул Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410.

Телефоны: 138-84-72, 138-86-34.

Заявки на участие в тендере принимаются в течении 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.

❖ Бугуннинг гапи

ПУБЛИЦИСТ ВА ПУБЛИЦИСТИКА

Бизнинг кўп йиллик кузатишларимиз хулосаларига кўра, бугунги кунда ўзбек публицистикасининг уч тури мавжуд: журналист публицисткаси, олим публицисткаси ва адиб публицистикаси.

Журналист публицистикаси ўзининг тезкорлиги, ҳозиржавоблиги, ёритилган мавзунинг долзарблиги билан ажралиб туради. Бунга фаол қалам тебратиб турган ўнлаб журналистларимиз фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин.

Олим публицистикасида ҳам долзарб масалалар ўртага қўйилади. Илмий теранлик кўзга ташланади. Масаланинг ечимига доир таклиф, тавсия ва шулар каби мулоҳазалар юритилади.

Адиб публицистикасида эса тезкорлик, ҳозиржавоблик, олимнинг илмий изланиши, мантиқий ва фалсафий теран хулосалар чиқара олиши уйғунлашади. Катта муаммолар ўртага қўйилади. Шоир ва ёзувчининг сўз санъатини қўллашдаги маҳорати сезилади. Тилнинг равон ва лўндалиги, ўқувчига завқ-шавқ бағишлайди. Бундай публицистика асрлар давомида аҳамиятини сақлаб, узоқ замонлар давомида ҳар бир авлод вакиллари томонидан ҳам мутолаа қилинади.

Адабиётимизда публицистиканинг бу тури XIX асрнинг охири — XX аср бошларида яшаган миллат фидойилари Мунавваркори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Таваллолар, улуғ адибларимиз Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, уларнинг йўлини давом эттирган Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзодалар ижодида сайқал топди, ривожланди. Ҳозирги кунда адиб публицистикаси намуналарига кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ артисти Зикир Муҳаммаджоновнинг мансуб икки китобидан ўрин олган асарлар ҳам шулар жумласидан. Муаллифнинг театр ва кино санъатимиз дарғалари Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидоятов, Обид Жалилов, Сора Эшонтўраева, Лутфихоним Саримсоқова, Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев ва бошқалар ҳақидаги хотиралари публицистиканинг ана шу турига тегишлидир, десак арзийди. Ушбу мақолалар, хотиралар ва китобларни жамласак, кичик бир музей материалларидан кам эмаслигига ишонч ҳосил қиламиз.

Дарвоқе, миллий истиқлолимиз шарофати ва муҳтарам Президентимизнинг қизғин ва самарали фаолияти самараси ўлароқ публицистикамизнинг яна бир тури, моҳият эътибори билан янги тури — илмий-фалсафий ва ижтимоий-сиёсий тури шаклланди. Бунга Юртбошимизнинг мазмунан теран, улкан аҳамиятга молик, миллатимиз тарихи ва тақдирига доир, ҳозирги ва келажак вазифаларимиз белгилаб берилаётган кўплаб асарларини мисол қилиб келтириш мумкин. Шунингдек, алоҳида таъкидлаш керакки, Юртбошимизнинг бу борадаги қизғин ва узлуксиз фаолиятини ёритиб бориш илм ва ижод аҳли олдида турган вазифалардан биридир.

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да публицист ва публицистика ҳақида шундай дейилади:

«Публицист — ижтимоий-сиёсий темаларда асар ёзувчи адиб.

Публицистика — адабиётнинг муҳим замонавий ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланган тури. Бошқа жанрга оид асарларда учрайдиган ижтимоий-сиёсий ҳаётга оид парчалар, элементлар, хусусиятлар».

Энди «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да публицистикага доир келтирилган фикр-мулоҳазалардан айримларини эслатиб ўтамиз: *«Публицистика — даврнинг ижтимоий-сиёсий ва бошқа долзарб масалаларига бағишланган адабий ижод тури. Публицистиканинг вазифаси ижтимоий фикр уйғотиш ва уни шакллантириш, маълум мақсадга йўналтириш, ҳужжатли фикр-маълумотлар асосида воқелик манзарасини яратишдан иборат. Ҳозирги замон ижтимоий ҳаёти, унга алоқадор ўтмиш ва келажак фактлари публицистиканинг предметидир. Ҳаётда ижтимоий фаолият, онг-қарашларнинг салмоғи ортгани сари публицистнинг, яъни ижодкорнинг воқеликка фаол аралашуви, фикрни бевосита ошкора, дангал ифодалаш тамойили ҳам ошди... Публицистика ҳаёт фактларини чуқур таҳлил ва тадқиқ этиш, яъни ижтимоий-публицистик тадқиқот орқали воқеликни кашф этади. Шу жиҳатдан у ижтимоий фанга яқинлашади».*

Шу ўринда юқорида айтилганларни қўллаган ҳолда қўшимча қилиш заруратини туямиз. Бизнингча, публицист қалам соҳиби ва тадқиқотчи бўлиши билан бирга, айни пайтда маълум маънода сиёсат ва жамоат арбоби бўлиши ҳам лозим. У халқ дилида, аниқроғи, тилининг учида турган, тезроқ билдирилиши керак бўлган зарур гапни айта биладиган ва айтиши зарур бўлган шахсдир. У халқ қалбидагини жамоатчилик номидан баралла айта биладиган ва айта оладиган жасоратли сиймодир.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ,
Ўзбекистон санъат арбоби, ёзувчи

❖ Сабоқ

ОЗОДЛИК ДАРАХТЛАРИ

✧✧✧

Халқимизда, «Тоғ билан тоғ учрашмайди, одам билан одам учрашади», деган нақл бор. Тўғри, биз айнан ўша

Инсон тафаккури кўп нарсани яратишга қодир. Унинг қадами етган жой борки, у ерда гиёҳ кўкаради, нимадир қурилади, пайдо бўлади. Хуллас, бунёдкорлик. У саҳро-ю адирларни боғу бўстонга, чечаклари қуриб қолган гулзорларни ундаги ифорли, сўлим бир гўшага айлантириш кучига эга.

Бундан бир неча йиллар олдин Ангрен шаҳрининг тоққа туташ қишлоғига йўлимиз тушганди. Ҳавоси гўзал, тиниқ сувлари кишига ўзгача кайфият бағишлайдиган бу маскан, тоғ ёнбағирларида ястанган гўшаларда буталар, хилма хил дарахтлар ўсиб ётарди. Қизиғи шуки, айрим дарахтларга ҳар хил латталар боғланган бўлиб, (буни халқ тилида амал дейишаркан), улар шамолда худди сочпуклардек ҳилпирарди.

— Нима бу, дарахтлар шунчалар муқаддасми? — дея сўрадик ўша ерлик ҳамроҳимиздан.

— Йўқ, бу шу ерда яшовчиларнинг «иши»... Буларни кўрганлар дарахтларга тегишмайди, деб ўйлашган-да!

Сўнг орадан йиллар ўтди... «Дин — афюн» дейилиб, мусулмончиликнинг кўп қоидалари тақиқланди. Бу ҳолат нафақат одамларга, балки табиатга ҳам таъсирини ўтказганини кейинги гал қишлоққа борганимизда ҳис қилдик. Чунки, бизнинг кўзимизни қувонтирган ўша дарахтлар илдизи билан қўпорилиб, бўшаб қолган ерлар худди гўдагидан ажралган онаизор каби инграб ётарди.

— Қани, ўтган галги дарахтлар?, — ўкинч билан сўрадик.

— Хурофот рамзи бўлган дарахтлар бу ерда нима қилади? Одамларга нотўғри таъсир қилмасин, хаёлини бузмасин деган мақсадда кўчириб ташладик, — деди у ўз ишини қойиллатиб қўйгандек. Қизиқ, у ҳам ўзгариб қолибди, аввалгидай мўмин, сипо эмас. Бизнинг тилимизга бирор сўз келмасди. «Ахир замон ўзгарган бўлса, дарахтларда нима айб?» деган савол кўнглимиздан ўтди. Шунингдек, бундай саволимизга бирорта жўялироқ жавоб ололмаслигимиз эса баттар азоб берарди.



ҳамроҳимиз билан учрашолмаган бўлсак-да, ўша дарахтлари кўчириб ташланган масканга бордик. Ва кўрдикки, у ерда яна аввалгидек ниҳоллар ўтқазилган, назаримизда, ўша замин ҳам, ёш ниҳоллар ҳам шодлигини бутун оламга кўз-кўз қилар, улардан баҳра олган тоғу тошлар ҳам бир қадар юксалгандек эди... Муҳими, у ниҳолларга ҳеч қандай амаллар боғланмаган, уларга кимдир зарар етказади, деган ҳадик ҳам ҳеч кимда йўқ эди. Демак, бугун дарахтлардан кўнглимиз тўқ. Энди замон бошқа...

Энди бу ниҳоллар ўз умрини тўлиқ яшайди. Бу ниҳоллар энди инсон тафаккурида қандай эврилиш бўлишидан қатъи назар, ўсиб, қулоч етмас дарахтларга айланади. Чунки булар озод юрт дарахтлари. Демак, эзгулик, яхшилик ҳеч қачон ўлмайди. Бундан қувонмай бўладимиз!

Юнус ЗИЁДОВ

ҚОРАҚАЛПОҚ ФИЛЬМИ — ИТАЛИЯДА

Қорақалпоқ кино санъати ва унинг сўнгги йиллардаги ютуқлари ҳақида сўз кетганда таниқли режиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Бердақ номидаги Давлат мукофоти совриндори Тўранияз Қалимбетовнинг номини алоҳида тилга олиш ўринли. Ўтган йиллар давомида унинг «Қудуқ», «Отбеги» каби ҳужжатли фильмлари Испания, Австрияда бўлиб ўтган халқаро кинофестивалларда совринли ўринларни олиб, халқаро киношуносларнинг олқишига сазовор бўлганди.

Унинг «Фидойилар» деб номланган навбатдаги ҳужжатли фильми яқинда Италиянинг Рим шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигида бўлиб ўтган, 60 дан зиёд давлат вакиллари қатнашган халқаро фестивалда катта экранда намойиш этилиб, ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди. Фильмда Оролбўйи минтақасида экологик муҳитни асраш бўйича олиб борилаётган ишлар тасвирланган. Марказий Осиё бўйича фақат ушбу фильмнинг мазкур халқаро кинофестивалга танлаб олиниши ҳамда кенг аудиторияларда кўрсатилгани катта ютуқлардан бири бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи:

«Фарғона Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ётоқхонасини капитал таъмирлаш» «ҚМИ»га.

Қурилиш муддати —
2007 йил IV чораги ва 2008 йил I чорак.

Буюртмачи: Фарғона Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази.
Манзил: Фарғона шаҳар, Марғилон кўчаси, 78-а уй, телефон/факс: 222-80-89.

Қурилиш-монтаж ишлари давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуққа эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Халқ таълими вазирлиги «Ўқув таълим-таъминот» Давлат унитар корхонасининг Тошкент вилоят филиали 2007 йил 25 апрелгача вилоят ўқув муассасаларига ўқув куроллари, қишки кийим бош ва дарсликлар етказиб бериш бўйича вилоят автокорхоналарига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
Мурожаат учун телефон: 64-19-15, 64-18-75.
Манзил: Қибрай марказий кўчаси

Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар ҳокимининг 2007 йил 26 февралдаги № 60-сонли қарорига асосан «Сирдарё махсус қурилиш-монтаж» МЧЖ ***ТУГАТИЛАДИ.***

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой муддат ичида Янгиер шаҳар давлат солиқ инспекциясида қабул қилинади.

(Газетанинг навбатдаги сони 17 апрель, сешанба куни чиқади.)

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ: РАҚИБЛАР АНИҚ

❖ Спорт

Шу йилнинг 13-19 май кунлари Японияда футзал бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Осака ва Хиого шаҳарларида уюштириладиган ушбу нуфузли мусобақада қитъамизнинг энг кучли ўн олти терма жамоаси ғолиблик учун кураш олиб боради.

Қуръага кўра, иштирокчилар тўрт гуруҳда кейинги босқичга бериладиган саккиз йўлланма учун баҳс юритишади. Ўтган йилги Осиё чемпионати кумуш медаль совриндори Ўзбекистон футзалчилари мусобақанинг «В» гуруҳидан жой олган. Ҳамюртларимизга қарши мазкур гуруҳда Таиланд, Қувайт ҳамда Ироқ терма жамоалари майдонга тушади.

Чемпионатнинг қолган гуруҳларида қуйидаги жамоалар ўзаро куч синашадилар: **«А» гуруҳи:** Япония, Тожикистон, Гонконг, Филиппин. **«С» гуруҳи:** Қирғизистон, Австралия, Туркманистон, Жанубий Корея. **«D» гуруҳи:** Эрон, Хитой, Малайзия, Ливан.

Эслатиб ўтамиз, Тошкентда ўтказилган сўнгги қитъа чемпионатида Япония футзалчилари ғолибликни қўлга киритганди.

Эркин ХОЛБОБО

«ПАХТАКОР» — «АЛ-ҲИЛОЛ» — 0:2

AFC CHAMPIONS LEAGUE

Кеча футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Мусобақанинг «В» гуруҳида қатнашаётган Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси «Ал-Ҳилол» (Саудия Арабистони) футболчиларини қабул қилди.

Ўтган турда пахтакорчилар сафарда ўйнашларига қарамай «Ал-Қувайт» (Қувайт) жамоасидан 1:0 ҳисобида устун келганди. Меҳмонлар эса ўз майдонларида айнан қувайтликлар билан дуранг ўйнашди — 1:1. Бу натижадан қониқмаган «Ал-Ҳилол» жамоаси раҳбарияти ўтган ҳафтада бош мураббий бразилиялик Сирезо Таниньони лавозимидан четлатди. Унинг ўрнига бразилиялик бошқа мураббий Маркос Пакета иш бошлади. «Пахтакор»га қарши бўладиган ўйин Пакета учун ўзига хос дастлабки синов вазифасини ўташи зарур эди.

Тошкентда уюштирилган ўйинда эса ҳар иккала жамоа вакиллари ҳам фақат ғалаба иштиёқида майдонга тушдилар. «Пахтакор» Марказий стадиони таъмирланаётганлиги туфайли МҲСК ўйингоҳида ўтган ушбу учрашув гуруҳ пешқадамини аниқлаб бериши кутилаётганди.

Учрашув давомида қитъамизнинг етакчи жамоаларидан бири саналган «Ал-Ҳилол» футболчилари тажриба ва маҳорат бобида пахтакорчилардан устун эканликларини намойиш эта олишди. Игнатий Нестеров дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллаган меҳмонлар ўз ҳисобларидаги очколар сонини тўртта етказиб, Тошкентдан гуруҳ пешқадами сифатида қайтишди.

Осиё чемпионлар лигасининг «С» гуруҳи баҳсларида иштирок этаётган Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари эса Дохада «Ал-Садд» (Қатар) жамоаси меҳмони бўлди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: *учрашувдан лавҳа.*
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Farruh HAMROYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Qo`chqor NORQOBILOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
11574 nusxada bosildi
Г — Тижорат материали
O`zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 23.15
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda